# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ **ОНЛАЙН ОЧИҚ ТАНЛОВ АСОСИДА** ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

**Манба:** "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарори

@huquqiyaxborot

**2021 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН**

Давлат харидлари соҳасидаги **тендерлар натижалари** очиқ эълон қилинади. **Давлат харидларида ҳамкорлар (контрагентлар)ни текшириш** тартиби ишлаб чиқилади

**2021 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН**

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари **онлайн очиқ танлов асосида** ишга қабул қилинади

**2021 ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА**

Коррупция, манфаатлар тўқнашуви асосида тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорликда қатнашиши ҳуқуқий оқибатларини белгиловчи **қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади**

**2021 ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА**

Давлат маблағлари ҳисобига қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган танловлар "**Шаффоф қурилиш" тизими** маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида электрон тарзда амалга оширилади

**2021 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН**

Барча давлат органлари ва ташкилотлари, вилоят ҳокимликларида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилади

**2021 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН**

Ҳар йил якуни бўйича коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи **рейтинг эълон қилиб борилади**

**2021 ЙИЛ 1 ДЕКАБРГАЧА**

Даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича **маълумотлар базаси** шакллантирилади

**2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА**

Автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган **"SHAFFOF YO'L" онлайн ахборот платформаси** ишга туширилади

**2022 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН**

**"Ҳалоллик вакцинаси" тамойили** асосида давлат хизматчилари мунтазам коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитилади.